



# Ўзбекистон ташқи сиёсатида ЯНГИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ



Ўтган ҳафта Остона шаҳрида яқунланган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг олтинчи Маслаҳат учрашуви минтақадаги барча мамлакатларнинг сўнгги олти йилдаги навбатма-навбат раислиги яқунларини рамзий тарзда сарҳисоб қилди ва ушбу ноёб форматдаги давлатлараро ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб берди.

Мамлакатларимиз биринчи марта **минтақавий кооперацияни ривожлантиришга доир ягона қарашни** — “Марказий Осиё — 2040” концепциясини келишиб олдилар. Бу ҳужжат давлатларнинг минтақавий ҳамкорлик жараёнига ортга қайтмас ва изчил тус беришга содиқ эканини тасдиқлади. У ўзаро ҳамкорликнинг барча асосий соҳаларини қамраб олди, истиқболга мўлжалланган аниқ амалий режаларни, уларни амалга ошириш шакллари ва механизмларини белгилаб берди.

Остона саммити ўз моҳиятига кўра, минтақа давлатларининг ҳамкорлигини янада изчил илгари суриш, **Марказий Осиё бешлиги** доирасида ҳар томонлама кооперацияни кенгайтиришга бўлган интилишини намойиш этди.

2018 йилда Остона шаҳрида ўтказилган биринчи учрашувдан буён ўтган даврда Марказий Осиё мамлакатлари анча катта йўлни босиб ўтди. Бу ҳақда гапирганда, биз биргаликда Марказий Осиёнинг замонавий қиёфасини ўзгартириб, минтақани тинчлик ва ҳамжиҳатлик, дўстлик ва яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва ҳамкорлик маконига айлантириш йўлидаги саз-ҳаракатларимизнинг барча асосий босқичларини эслаш ўринлидир.

Бундан бор-йўғи етти йил олдин чегараларимиз деярли тўлиқ ёпилган эди. Биз чегара ҳудудларидаги можаролар ва миналанган далаларга, транспорт блокадаларига, савдо соҳасида баланд тўсиқлар ўрнатилганга гувоҳ эдик.

Сув ресурсларидан, яйловлар ва сув ҳўжалиги объектларидан фойдаланиш масалалари бўйича тинимсиз тортишувларнинг очиқ қарама-қаршиликка айланиб кетиш хавфи бор эди.

Минтақадаги баъзи кучлар ишончсизлик руҳини аж олдириш ва умумий тарихий меросимиздан ўз манфаатлари учун фойдаланиш орқали мухолифлик ва рақобатни келтириб чиқарарди. Тарқоқлигимиз бизни заифлаштирар, бирлашиш истиқболларидан махрум этар, минтақа салоҳиятини муштарак манфаатлар йўлида рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилар эди.

Буларнинг барчаси асрлар давомида ёна-ён тинч-тотув яшаб келган, бир динга эътиқод қилган, умумий урф-одат ва анъаналарга эга бўлган, минглаб кўринмас ришталар билан боғланган Марказий Осиё халқларининг маданий-цивилизациявий қадриятларига мулкдо эди.

Қолаверса, глобал ишонч инқирозининг чуқурлашуви ва қуролли можароларнинг кескинлашуви минтақанинг барқарорлиги ва изчил ривожланишига салбий таъсир кўрсата бошлади. Шу муносабат билан Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари ва халқлари каби Ўзбекистоннинг ҳам фаровонлиги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш борасидаги умумий саз-ҳаракатларга, минтақада хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш манфаатларини биргаликда илгари суришга тайёрлигига боғлиқ, деган тушунча тобора мустаҳкамланди.

Шуни эътироф этиш керакки, туб ўзгаришларга, тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этишга, қўшнилар билан ўзаро муносабатларни йўлга қўйишда эскирган ёндашувлардан батамом воз кечишга бўлган ижтимоий талабни чуқур ҳис қилган етакчи — **Ўзбекистоннинг янги Президенти Шавкат Мирзиёев** бўлди.

Ўзбекистон раҳбари янги **яхлит Ташқи сиёсат доктринасини шакллантирди**. Унда халқаро ва минтақавий хавфсизлигининг долзарб муаммолари, замонавий таҳдид ва хатарлар, янги дунё тартиб-тини шакллантириш ва бошқа масалаларга нисбатан Ўзбекистоннинг қарашлари ва ёндашувлари белгиланган.

Доктринада дунёнинг ривожланган давлатлари билан тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш асосида кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш кўзда тутилган. Осиё, Европа, Америка ва Африканинг етакчи давлатлари, нуфузли халқаро ташкилотлар билан изчил сиёсий мулоқотни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Ушбу Доктринада **Ўзбекистон Президенти томонидан Марказий Осиё минтақаси Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий устувор йўналиши этиб белгиланган. “Қўшнилар билан ҳеч қандай муаммо бўлмаслиги”га эришиш энг муҳим мақсад қилиб қўйилди. Ўз хавфсизлигини бошқа давлатлар хавфсизлиги ҳисобига мустаҳкамлашга йўл қўймаслик, очиклик, прагматизм ва конструктивлик, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва манфаатларни ҳисобга олиш, проактив мулоқот тамойиллари минтақавий сиёсатнинг концептуал асосига айланди.**

**Ўзбекистон объектив равишда Марказий Осиёнинг келажаги учун алоҳида масъулиятни ўз зиммасига олган.** Бу омил биз минтақанинг барча мамлакатлари билан умумий чегараларга эга

еканлигимиз билан изоҳланади. Мамлакатимизда Марказий Осиё аҳолисининг ярмидан кўпи, минтақадаги барча халқларнинг йирик жамоалари яшайди. Ўзбекистон тараққиётининг деярли барча ҳаётий муҳим масалалари — сувдан тортиб, транспорт йўлаклари, минтақавий хавфсизлик ва савдо-сотиққа чегарадош давлатлар билан яхши қўшничилик ва олдиндан тахмин қилиш мумкин бўлган муносабатларга боғлиқ.

Айнан шунинг учун ҳам Ўзбекистон раҳбари 2016 йилда Парламентга йўллаган биринчи мурожаатномасида **устувор йўналишларни аниқ белгилаб, Марказий Осиё мамлакатлари билан муносабатларни мустаҳкамлашни биринчи ўринга қўйган эди.** “Мамлакатимизнинг миллий манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган **Марказий Осиё минтақаси Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий устувор йўналиши ҳисобланади.** Биз яқин қўшниларимиз Туркменистон, Қозғистон, Тожикистон ва Қирғизистон билан очик, дўстона ва прагматик сиёсат олиб боришга содиқ қоламиз”, деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев. Давлатимиз раҳбари сэйловдан кейин кўп вақт ўтмай Ашхобод ва Остона шаҳрларига илк расмий ташрифларини амалга ошириб, **Марказий Осиё — устувор**, деган тамойилни яна бир бор тасдиқлагани бежиз эмас.

Мамлакатимиз етакчиси ушбу тарихий мурожаатида Тошкентнинг яқин қўшниларга нисбатан конструктив сиёсат олиб бориш, тўпланиб қолган минтақавий муаммоларни тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш ва оқилона муроСага эришиш асосида ҳал этиш, минтақамизнинг қоқ марказида жойлашган мамлакат сифатида Ўзбекистон атрофида дўстлик ва фаровонлик, хавфсизлик ва барқарорлик ҳудудини яратиш борасидаги қатъий ниятини баён этди.

Ўзбекистон раҳбари томонидан ҳукумат ва ташқи сиёсат идоралари олдида **минтақавий сиёсатнинг асосий вазифалари** — чегараларни тартибга солиш жараёниларини яқунлаш, сувдан оқилона ва адолатли фойдаланиш масалаларини биргаликда ҳал этиш, мамлакатларнинг иқтисодий, экологик, транспорт-логистика ва илмий-технологик ривожланишдаги ўзаро боғлиқлигини шакллантириш ва бошқа масалалар белгилаб берилди.

Тошкентнинг Марказий Осиёда сиёсий-дипломатик, иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорлиқни йўлга қўйиш борасидаги ёндашувларидаги ўзгаришлар нафақат Ўзбекистоннинг қўшнилар билан давлатлараро муносабатларини тубдан яхшилаш учун шартин яратди, балки Марказий Осиёнинг янги форматда янада жиқлашиши ва интеграциялашувига замин бўлди.

Шу маънода, **Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари (МОДРМУ) йўлга қўйилиши** бутун

минтақа учун энг муҳим воқеа бўлиб, буғунги кунда **барқарорлик, хавфсизлик ва изчил тараққиёт ҳудудини биргаликда барпо этишга қаратилган минтақавий мулоқотнинг самарали майдонига айланди.**

**Мунтазам учрашувлар ўтказиш** гоёси илк бор Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган эди. Ушанда давлатимиз раҳбари мамлакат ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналиши **“тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё”** эканини, Ўзбекистоннинг барча саз-ҳаракатлари “ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш”га қаратилишини таъкидлаган эди.

Уша йилнинг ноябрь ойида Президентимиз ташаббуси билан Самарқандда **“Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажақ, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик”** халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Унда иштирок этган минтақанинг беш давлати ташқи ишлар вазирлари Ўзбекистон етакчиси томонидан илгари сурилган ташаббусини — давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини таъсис этиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлади. Айнан ушанда барча мамлакатларнинг минтақавий ҳамкорлиқни ривожлантириш, ўз давлатлари ва бутун минтақа учун долзарб бўлган масалаларни биргаликда муҳокама қилиш, уларга ечим излаш ва қарор қабул қилиш мақсадини ифода этувчи **“Самарқанд консенсуси”** шаклланди.

“Самарқанд консенсуси”ни халқаро ҳамжамият ҳам қўллаб-қувватлади. Орадан атиги ярим йил ўтиб, **2018 йил июнь ойида Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш” резолюциясини қабул қилди.** Ушбу ҳужжатда Марказий Осиё мамлакатларининг минтақада барқарорлик ва иқтисодий ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга қаратилган саз-ҳаракатлари ва ташаббуслари юқори баҳоланди.

Буларнинг барчаси бир неча йил ичида Марказий Осиёдаги вазиятни тубдан ўзгартириш имконини берди. Аввало, **чегара масалалари** бўйича мавжуд мураккаб ва нозик муаммоларни бартараф этишга эришилди.

Ўзбекистон Қозғистон билан чегарани ҳуқуқий расмийлаштиришни тўлиқ яқунлади, Туркменистон, Тожикистон ва Қирғизистон билан чегарани делимитация қилди. Чегарадаги ўнлаб ўтказиш пунктлари ўз фаолиятини тиклаб, мамлакатларимиз ўртасида одамларнинг ҳаракатланишини сезиларли даражада осонлаштирди.

## СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ВА СТАРТАП ЛОЙИҲАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАҚДИМОТ ЎТКАЗИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 13 август куни сунъий интеллект ва IT соҳасидаги стартап лойиҳаларни ривожлантириш чора-тадбирларига доир тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда ахборот технологиялари жадал ривожлантирилиб, барча соҳаларда татбиқ этилмоқда. Буларнинг натижасида шу йилнинг ўтган даврида рақамли хизматлар ҳажми 21 триллион сўмдан ошди, йил якуни билан 43 триллион сўмга етиши кутилмоқда. Соҳада 367 миллион долларлик хизматлар экспорт қилинди. IT-парк резидентлари 577 тага кўпайиб, 2 минтадан ошди. Уларда ишлаётган ёшлар сони эса 32 минтага етди.

Бу йил соғлиқни сақлаш, энергетика, транспорт, таълим, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, қурилиш каби соҳаларда 100 дан ортиқ рақамлаштириш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Замон шиддат билан ўзгаряпти. Жаҳонда ҳар бир соҳага сунъий интеллект, рақамли технологиялар кириб келяпти. Бу борада юртимизда ҳам қатор лойиҳалар бошланган.

Мисол учун, “MyID” ва “UzFace” дастурлари 70 дан ортиқ ташкилот, банк, электрон савдо майдончалари ва тўлов тизимларида жорий қилиниб, 10 миллион фойдаланувчини масофавий биометрик идентификация қилиш имконияти яратилди. “Ўзбекосмос” сунъий интеллектни қўллаб, 43 минтага яқин ер қъридан ноқонуний фойдаланиш ва рухсатсиз қурилиш ҳолатларини аниқлади.

Тақдимотда соғлиқни сақлаш, қишлоқ ҳўжалиги, банк, солиқ, божхона каби соҳаларда сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш чора-тадбирлари кўриб чиқилди.

Аввало, сунъий интеллект бўйича қонунчилик базасини яратиш кераклиги қайд этилди. Сунъий интеллектни жорий этиш стратегияси ва икки йиллик лойиҳалар дастурини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Сунъий интеллект технологиялари марказини ташкил қилиш бўйича топшириқ берилди.

Хусусан, банк-молия соҳасида сунъий интеллектни қўллашни кенгайтириш, бу бўйича кадрлар тайёрлаш ва ходимлар малакасини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Бугунги кунда 4 та университетда сунъий интеллект бўйича кадрлар тайёрланаяпти. Ҳозирда катта маълумотларни қайта ишлаш ва тил моделлари бўйича 600 нафар мутахассисга талаб бор. Бу келгуси йилларда каррасига ошади. Шунининобатта олиб, соҳалар кесимида талабга мос мутахассислар тайёрлаш муҳимлиги айтилди.

Дунёнинг барча илғор IT компаниялари ўз фаолиятини стартапдан бошлаган. Бизда ҳам бу борада биринчи қадамлар ташланаяпти. Ўтган йили бундай лойиҳалар учун жалб қилинган венчур инвестициялар ҳажми 134 миллион долларни ташкил қилган.

Давлатимиз раҳбари стартап лойиҳаларни молиялаштириш учун венчур инвестицияларга кенг шартин яратиш вақти келганини таъкидлади. Шу боис, стартап экотизимини ривожлантириш, венчурли молиялаштириш механизмларини жорий қилиш бўйича топшириқлар берилди.

ЎЗА

## “ПАРИЖ – 2024”: ПАРА СПОРТЧИЛАРИМИЗДАН ҲАМ РЕКОРД НАТИЖАЛАР КУТАМИЗ

Парижда Олимпия шукуҳи давом этади. Бу ерда 28 август – 8 сентябрь кунлари XVII ёзги Паралимпия ўйинлари бўлиб ўтади. Ушбу нуфузли мусобақаларда Ўзбекистон делегацияси 65 спортчи билан қатнашади.



Ҳамюртларимиз спортнинг 9 тури — енгил атлетика, таэквондо, ўқ отиш, сузиш, каноз, академик эшак эшиш, дзюдо, пауэрлифтинг ва велоспорт йўналишларидаги 113 та совринли ўринлар учун баҳсларда қатнашади. Бу кўрсаткич Ўзбекистон паралимпияси тарихида ҳозирча рекорд саналади. Паралимпиячиларимиз 2016 йил Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган ўйинларда 32 та, Токио ўйинларида 70 та лицензияни қўлга киритган эди.

Кеча пойтахтимиздаги Олимпия ва паралимпия шон-шухрати музейида Ўзбекистон паралимпия делегациясини Парижа кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги

PARIS 2024  
PARALYMPIC GAMES



рансининг биринчи ўринбосари Шаҳноза Мирзиёева иштирок этди.

XVII ёзги Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон делегацияси байроқдорлари Осиё ҳамда Олимпия ўйинлари ғолиблари Ҳусниддин Норбеков ҳамда Моҳитул Ҳамдамова бўлади.

“Париж — 2024” XVII ёзги Паралимпия ўйинларининг расмий очилиш маросими 28 август куни бўлиб ўтади.

ЎЗБЕКИСТОН БОКСЧИЛАРИ  
“ПАРИЖ — 2024” ЁЗГИ ОЛИМПИА  
ЎЙИНЛАРИДА ЯНГИ ТАРИХ ЯРАТДИФРАНЦУЗ ОАВ ЎЗБЕК ЧАРМ ҚЎЛҚОП  
УСТАЛАРИНИНГ ҚЎЛГА КИРИТГАН ОЛАМШУМУЛ  
ҒАЛАБАЛАРИ ҲАҚИДА

Жумладан, Франциянинг спорт мавзусини ёритишга ихтисослашган марказий нашрларидан бири — “l’Equire” газетасида босилган мақолада ёзилишича, Парижда бўлиб ўтган ёзги Олимпия ўйинларида бокс бўйича Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси еттита вазн тоифасида ўтказилган жанглarning бештасида олтин медални қўлга киритиб, жаҳонда тенгсиз эканини яна бир марта намоийш этди.



Париждаги ёзги Олимпия ўйинларининг бокс бўйича баҳслари Ўзбекистон чарм қўлқоп усталари учун тарихий натижа билан якунланди, деб таъкидлаган “Olympics.com.”

“Машҳур “Ролан Гаррос” мажмуасида бокс бўйича ҳал қилувчи жанглр бўлиб ўтган сўнгги Олимпия кунни Ўзбекистон терма жамоаси учун, айтиш мумкинки, бу мамлакатнинг бутун спорти учун зафарларга бой кечди, — деб ёзган мазкур нашр. — Зеро, финал жанглирида кетма-кет учта Олимпия ўйинларининг

очилиш маросимида Ўзбекистон делегациясининг байроқдори бўлган боксчилар олтин медаллар учун кураш олиб борди. “Рио — 2016” ва “Токио — 2020” ёзги Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросимларида ўз давлати байроғини Баҳодир Жалолов кўтарган бўлса, “Париж — 2024” да бундай шарафли вазифа Абдумалик Халоқов чекига тушди”.

“20 minutes.fr” нашрида эълон қилинган “Финалда беш боксчи... Ўзбекистоннинг сири нимада?” мақоласида журналистлар бокс Ўзбекистонда энг оммабоп спорт

турларидан бири эканини ва кўплаб ўзбек болалари ёшлтидан ушбу спорт тури билан шуғулланишини қайд этган.

Нашрда сўнгги йилларда Ўзбекистонга профессор Карлос Вилануева раҳбарлигидаги Куба бокс мактабидан мутахассислар тақлиф этилгани, бутун мамлакат бўйлаб бокс тўғараклари иши таҳлил қилингани, машгулотлар жараёнини индвидуаллаштириш, самарали режалаштириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилгани ва тажрибали боксчиларнинг машгулот жараёни ҳамда фаолияти пухта ўрганилгани маълум қилинган. Ҳар бир спортчи ўз салоҳиятини максимал даражада ошириши учун барча зарур шароитлар яратилган, деб қайд этилган материалда.

“Ўзбекистон терма жамоасининг барча ёш тоифаларидаги боксчиларида катта салоҳият бор. Шубҳасиз, ўзбек боксчилари жуда кучли, катта иқтидор ва юқори техникага эга. Ўзбекистоннинг иқлими, мевалари, витаминларга бой озиқ-овқатлари спортчилар учун жуда муҳим, улар куч-қувват бағишлайди”, — дея Куба терма жамоаси бош мурабийи Роландо Монтеснинг сўзларидан иқтибос келтирилган мақолада.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, аксарият француз оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон боксчилари — Ҳасанбой Дўсматов, Асадхўжа Мўйдинхўжаев, Лазизбек Муллажонов, Абдумалик Халоқов ва Баҳодир Жалолов ўзларининг финал жанглариини ишонч билан ўтказиб, “Париж — 2024” ёзги Олимпия ўйинларида янги тарих яратганини алоҳида урғулаган.

“Дунё” АА

Париж

## Шукух

ТОМИРИМДА ПОЛВОНЛАР  
ҚОНИ БОР!

Музаффар ТўРАБОВ,  
Олимпия ўйинлари бронза медали соҳиби:

— Ёшлигимдан дзюдога қизиқишим, иштиёқим бошқача. Балки бу томиримда полвонларнинг қони борлигидандир. Отам — Тоштемир Муҳаммадиев кураш бўйича оғир вазнда жаҳоннинг мутлақ чемпиони. Акам ва укам ҳам дзюдочи.

Ҳар бир спортчининг энг катта мақсадларидан бири Олимпиада чемпиони бўлиш ва ватани шарафни жаҳон ареналарида муносиб ҳимоя қилишдир. Парижда ҳар бир сафдошимиз шу мақсадни қўзлаб олганганди.

Бугун қайсидир маънода буни уудаландик. Айниқса, Диебранинг зафарли чиқишидан сўнг давлатимиз раҳбари билан телефон орқали мулоқот қилиши бизни ҳам зафарли одимлар қилишга ундади.



Ҳар сафар татамига Ўзбекистонда бизни миллионлаб юртдошларимиз дуо қилиб турибди, деган ишонч билан чиқардим.

Бу мусобақада ҳеч бир давлат иштирокчилари биз каби қўллаб-қувватланмади. Олимпиадада ғалабалар билан бирга биз ўзга давлат вакиллари, иштирокчиларга бирлигимизни ҳам кўрсатдик. Бизга куч-ғайрат ва ишонч бағишлаб турган барча-барчани ушбу тарихий ғалабалар билан табриклаймиз. Бу биргина спортчиларнинг эмас, балки бизга барча шароитларни яратиб берган давлатимиз раҳбарининг, тўғри йўл-йўриқ кўрсатган мурабийлар, ота-онамиз, бутун халқимизнинг ютуғи.

Мен ҳам бу мусобақага катта мақсад билан, яъни олтин медални олиш учун катнашгандим. Аммо... Кейинги Олимпиада Лос-Анжелесда бўлиб ўтади. Насиб этса, бу сафар юртимизга олтин медал билан қайтаман.

МУҲЛИСЛАРНИНГ ҚЎЛЛАБ-  
ҚУВВАТЛАШИ БИЗГА КУЧ БЕРДИ

Акбар ЖўРАЕВ,  
Олимпия ўйинлари кумуш медали соҳиби:

— Бу йил ўзбек спорти тарихида янги саҳифа очилди, дея баралла айта оламиз. Турли давлатлар ори учун майдонга тушган спортчилар билан муносиб курашиб, ватанимизга янги ғалабалар, рекордларни бағишладик.

Олимпиадада кескин кечган баҳсларда ҳар бир сафдошимиз фақат ва фақат ғалаба учун майдонга тушди. Айниқса, муҳлисларнинг қўллаб-қувватлаши бизга ўзгача куч-ғайрат бағишлади.

Оғир атлетикада кумуш медални қўлга киритдим. 10 ёшимдан буён шу спорт тури билан шуғуллана бошлаганман. Бутунгача Осиё ва жаҳон чемпионлигига эришдим. Токио Олимпиадаси чемпиони бўлиб, рекордни янгилангандим.

Мусобақа жараёнида ҳар бир ватандошимиз чиқишини нафақат юртдошларимиз, балки қўшни қардош халқлар, хаттоки бошқа миллат вакиллари ҳам яхши кайфият билан кутиб олди, улар томонидан муносиб қўллаб-қувватланди.

Айниқса, юртимиз байроғи баландга кўтарилиши, мадҳиямиз янграши бизга ўзгача гурур бағишлади. Аслида, ҳар бир юрт фарзандининг вазифаси, қайси соҳада бўлишидан қатъи назар, давлатнинг шаъни, юртининг орини ҳимоя қилиш, миллат байроғини халқаро майдонда баланд кўтаришдир.

Бу йўлда фақатгина яратиб берилаётган шароитлардан муносиб фойдаланиб, бор куч-ғайрат билан улкан мақсадлар сари ҳаракат қилиш керак. Бугун Ўзбекистон ёшлари халқаро майдонда нималарга



қодирлигини исботлаб, янги тарихни зарҳал харфлар билан битмоқда. Мен ҳам кейинги мусобақаларда бундан-да юқори натижалар қайд этишга, халқимиз ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news



yuz

## Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

БОЖХОНА МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ  
ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ ДАВРИ

Акмалхўжа МАВЛОНОВ,  
божхона қўмитаси раиси

Президентимиз томонидан 2022 йил 17 февралда божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга қаратилган устувор вазифалар бўйича ўтказилган йиғилиш ҳамда ўша йили 27 апрелда қабул қилинган “Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги фармон соҳани ислоҳ қилишнинг том маънодаги янги даврини бошлаб берди.

Фармон божхона маъмуриятчилигини янги босқичга олиб чиқиш, божхона ва юк операцияларини рақамли трансформация қилиш орқали инсон омиллини кескин қисқартириш мақсадида қабул қилинди.

## Ижро интизоми — амалда

Божхона органларида ижро интизоминини мустаҳкамлаш, қонунлар, Президентимиз фармон, қарор ва фармойишлари ҳамда бошқа топириқлари ижросини белгиланган муддатларда, сифатли бажаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунийлик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги фармони ҳамда ўша йил 31 майдаги “ljo.gov.uz” ижро интизоми идораларо ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарориди белгиланган тартибларга қатъий риоя этилиб, ижроси назоратта олинган.

Айнан шу масалада Ўзбекистон Бош вазири маслаҳатчиси Р.Абдуқодиоровнинг “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳаррири С.Дониёров билан 2021 йил июлда чоп этилган “Ишчи жамоа бажаради, масъулият эса шахсий!” мавзусидаги суҳбатда қўйилган талаблардан келиб чиқиб, тегишли вазифалар белгилаб олинган.

Хусусан, Президент ҳужжатлари билан божхона органларида 2022-2023 йиллар ва 2024 йил биринчи ярим йиллигида жами 1273 та топириқ бажарилиши юклатилган бўлиб, барчасининг ижроси таъминланган. Жорий йил якунига қадар 190 та топириқнинг бажарилиши қатъий назорат қилинмоқда.

Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш, тизимни рақамлаштириш



орқали инсон омиллини қисқартириш орқали тадбиркорлар ва фуқароларга қулайликлар яратиш, ижтимоий соҳаларни қўллаб-қувватлаш ва бошқа йўналишларда 75 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилди (2 та қонун, Президентнинг 8 та ҳужжати, Вазирлар Маҳкамасининг 36 та қарори, 3 та фармойиши ва 26 та идоравий ҳужжати).

## Рақамлар тилга кирганда...

Таҳлилларга кўра, кейинги икки ярим йилда республикамизнинг товарлар ташқи савдоси (махсус экспортдан ташқари) 109 миллиард долларни, шу жумладан, экспорт 27 миллиард долларни, импорт эса 82 миллиард долларни ташкил қилди.

Чегара божхона постлари орқали ҳаракатланган юкли автотранспортлар 3 миллион ва юкли вагонлар 3,3 миллионгани ташкил қилди. Бунда йўловчилар оқими ошганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Масалан, чегаралар орқали ҳаракатланган йўловчилар 100 миллион нафарга етиб, 2019-2021 йиллардаги нисбатан 47 фоиз ёки 32 миллион нафарга ошган.

Тадбиркорларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш мақсадида 32 мингдан ортиқ ташқи иқтисодий фаолият қатнашчисига 140 триллион сўм божхона тўловларидан имтиёз ва преференциялар қўлланилди, 15 триллион сўм божхона тўловини кечиктириб тўлашга рухсат берилди. Давлат бюджетига 139 триллион сўм божхона тўловлари ўтказилди.

Контрабанда, яширин  
иқтисодиёт ва божхона  
қонунбузилишларига  
қарши курашиш

Юртимиз аҳолиси соғлиги ва хавфсизлигини таъминлаш борасида божхона органлари томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2022-2023 йиллар ва 2024 йилнинг дастлабки 6 ойида 10 минг 722 килограмм гнёхвандлик воситалари, 681 минг дона психотроп ва кучли таъсир этувчи моддалар, 131 миллиард сўмлик 8,2 миллион қўти тамаки маҳсулотлари, 54 минг 67 дона тақиқланган материал тўхтатиб қолинди.

Мамлакатимиз осийишталига раҳна солиши мумкин бўлган 58 дона қурол, 3084 та ўқ-дори божхона чегаралари орқали ноқонуний олиб ўтилишининг олди олинди.

Яширин иқтисодиётга қарши курашиш борасида 2,4 триллион сўмлик товарлар, шу жумладан, 100 миллиард сўмга яқин эквивалентдаги нақд хорижий валюта, 89 миллиард сўмлик заргарлик буюмларининг ноқонуний айланмасига чек қўйилди.

Чегарада товарларни идентификация қилиш ишларини кучайтириш ва божхона кўриклари натижасида 30 мингга яқин тафовут аниқланиб, 1,2 триллион сўмлик ноқонуний товарлар далилий ашё тариқасида олинди.

Интеграциялашувдан  
тезкорликка

Божхона органларининг мавжуд ахборот тизимларини тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда хорижий давлатлар божхона хизматларининг ахборот тизимлари билан ўзаро интеграциялашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2022-2023 йиллар ва 2024 йилнинг ўтган даврида соҳани рақамлаштириш



борасида янги 23 та ахборот тизими ишлаб чиқилди. Натижада ҳозир жами 36 та ахборот тизими 20 вазирлик ва идора ҳамда 34 авиакомпания билан ўзаро интеграциялашган.

2019-2021 йиллардаги нисбатан товарлар ташқи савдо айланмаси 21 фоиз ёки 19 миллиард долларга, автотранспорт ва темир йўл вагонлари ҳаракати 21 фоиз ёки 1,1 миллионга, йўловчилар ҳаракати 1,4 баробар ёки 32 миллион нафарга ошган бўлса-да, соҳани рақамлаштириш хисобига импорт товарларнинг 74 фоизи ва экспорт товарларнинг 91 фоизи соддалаштирилган тартибда расмийлаштирилди.

Дастурий таъминотларнинг узлуқсиз ишлаши учун маълумотлар базаси, илова серверлари, файвол хавфсизлик қурилмалари ҳамда сервер тармоқ қурилмаларидан иборат 87 та инфраструктура қурилмаси фаолияти таъминланди.

Инсон омилсиз  
расмийлаштирув

Хавф даражаси паст бўлган божхона юк декларацияларини босқичма-босқич инсон омилсиз автоматик божхона расмийлаштирувдан ўтказиш 2024 йилда 15 фоизга етди, бу кўрсаткич экспорт товарларига оид декларациялар бўйича 40 фоизни ташкил қилди.

Аҳамият беринг, божхона ходими ушбу функцияларни бажаришга ўртача 30 дақиқа сарфлаган бўлса, дастур бор-йўғи 3 дақиқа ичида бу функцияларни бажаради.

Божхонанинг ижтимоий  
ҳаётдаги фаоллиги ортиб  
бормоқда

2023 йил 29 август санаси Ўзбекистон божхона хизмати органлари тарихига зарҳал харфлар билан битилди. Янги Ўзбекистон тарихида илк бор Президентимиз Божхона қўмитасига таширф буюрди. Моҳиятан бу таширф сўзимиз аввалда тилган олинган фармоннинг ижроси юзасидан давлатимиз раҳбарига берилган ўзига хос ҳисобот бўлди.

Қолаверса, божхона тизими ҳаминша давлатимиз раҳбарининг диққат эътиборида эканини англиштиш баробарида божхона ходимларига билдирилган юксак ишончдан далолат берди.

Мазкур таширфда божхона органларига ижтимоий соҳалар ва халқ ҳўжалигининг бошқа йўналишларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янада кучайтириш бўйича ҳам қатор топириқлар берилди.

Натижада Тошкент шаҳри, Жиззах, Сирдарё, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида васийликка олинган 840 ёш, 550 эркак ва 720 аёл истиқомат қилаётган 5 та “Мурувват” ва 2 та “Саховат” уйида қурилиш ишлари ниҳоясига етказилиб, фойдаланишга топирилди.

Божхона ҳудудида қайта  
ишлаш — тадбиркорлар  
учун муносиб қулайлик

“Божхона ҳудудида қайта ишлаш” режими сўнгги икки йилда тадбиркорлар, хусусан, экспортёрлар орасида кенг оммалашиб бормоқда.

Жорий йилда ушбу режимдан фойдаланган тадбиркорлар 70 фоиз ёки 102 тага ошиб, 248 нафарни ташкил этди, 333 миллион долларга тенг товарлар жойлаштирилди ҳамда 11 фоиз ёки 34 миллион доллар орғиди. Қайта ишланган 423 миллион долларлик товарлар экспорт қилиниб, бу кўрсаткич 45 фоиз ёки 132 миллион долларга кўпайди.

“Экспорт уч қадамда” лойиҳаси ишга туширилиб, юк декларациясини тўлдиришнинг 9 босқичли тартиботи 3 баробар қисқарди.

Натижада тадбиркорларнинг юк декларациясини тўлдириш вақти 30 дақиқадан 5 дақиқага қисқариб, расмийлаштириш учун йиллик 80 миллиард сўм харажатлари тежаллади.

“Яшил” энергия  
божхона билан

Республика миқёсида қайта тикланувчи энергия манбалари ўрнатилишини назорат қилиш айнан божхона органларига юклатилган. Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига жами 63 минг 463 та объектга 504,7 МВт қувватдаги қуёш панеллари ўрнатилди. Натижада бугунга кунга қадар 272 минг МВт/соат электр энергияси ёки 250 миллиард сўм иқтисод қилинди.

Бу борада божхона органларининг ўзи ҳам алоҳида намуна кўрсатмоқда. Хусусан, хозирга қадар 60 та божхона объектига 3 МВт қувватли қуёш панеллари ўрнатилиб, 3,3 миллиард сўм, шу жумладан, 2023 йилда 2 миллиард сўм, 2024 йилнинг 6 ойида 1,3 миллиард сўм бюджет маблағи электр энергияси истеъмолдан иқтисод қилинди.

Хорижий инвестициялар  
билан ишлаш йўналишида

Божхона органлари зиммасига юкланган вазифалардан яна бири хорижий инвестициялар ўзлаштирилишини мувофиқлаштириш бўлиб, бу борада жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 454 та лойиҳа бўйича 3,5 миллиард долларлик хорижий инвестиция таҳлил қилиб борилди.

Натижада 122 та лойиҳа ижросида муаммолар аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган “йўл харитаси” ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланди.

Ҳозирга қадар муаммоларнинг 35 таси бартараф этилиб, қолганларини республика штаби орқали масъул ташкилотлар билан бирга ҳал этиш чоралари қўрилмоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш йўналишида бутунги кунга қадар 13 та ҳудуд бўйича 1,7 триллион сўмлик 75 лойиҳа ишга туширилиб, 1738 та янги иш ўрни яратилди. Ҳозир 35 лойиҳа доирасида қандалот, ун ва ун маҳсулотлари, 23 лойиҳа бўйича сут ва сут маҳсулотлари ҳамда салқин ичимликлар, 13 лойиҳа бўйича гўшт ва тухум маҳсулотлари, ўсимлик ёғлари, 2 лойиҳа бўйича туз, 1 лойиҳа бўйича помидор пастаси ишлаб чиқарилмоқда ва 1 лойиҳа ижросида мева-сабзавотлар қайта ишланмоқда.

# Ўзбекистон ташқи сиёсатида ЯНГИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ



Абдулазиз КОМИЛОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг ташқи сиёсат  
масалалари бўйича махсус вакили

Бошланиши 1-бетда

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги чегараларни ҳақли равишда дўстлик ва яхши қўшничилик кўприги, деб аташ мумкин. 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб ички ҳужжат — фуқаро ID-картасини тақдим этган ҳолда Ўзбекистон — Қирғизистон чегарасини кесиб ўтиш тартиби амал қилаётгани бунинг тасдиғидир. Худди шундай лойиҳа Қозоғистон томони билан ҳам муҳокама қилинмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев Остона саммитида Марказий Осиёда миллий ID-карталарни ўзаро тан олиш ва “Бир тур — бутун минтақа” тамойили асосда оммавий туристик маҳсулотларни ишлаб чиқишни таклиф қилди.

Шу билан бирга, Тожикистон — Қирғизистон чегарасини тавсифлашда сезиларли ютуқларни кўймоқдамиз. Бугунги кунда чегара умумий узунлигининг 90 фоиздан зиёди қисми бўйича келишувга эришилган.

Бошқача айтганда, буларнинг барчаси турли келишмовчиликларга қарамай, томонлар ўзаро ишонч ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда мақбул битимларга тайёрлик тамойилларига амал қилса, ўткир, нозик ва мураккаб муаммоларни ҳал қилиш мумкинлигини кўрсатади.

Улкан минтақамизда рўй берган “жараёнларни қайта ишга тушириш” механизми барча учун манфаатли бўлди. Юқори даражадаги бирлашув туфайли минтақа иқтисодий тараққий этмоқда. Кооперация ва минтақа ичида товар айирбошлаш даражаси сезиларли ошди, хорижий шериклар билан алоқалар кенгайди.

Минтақадаги савдо ҳажми 4,4 баробар, қўшма корхоналар сони 5 баробар, ўзаро инвестициялар ҳажми қарийб 2 баробар ошди.

Бугунги кунда Марказий Осиё очилган имкониятларни биргаликда амалга оширишга қодир бўлган янада жипс минтақага айланди. Ўзбекистон Қирғизистон ва Тожикистон билан йирик қўшма лойиҳаларни молиялаштириш учун инвестицияни жамғармаларини тузди. Ушбу институтлар доирасида автомобилсозлик, электротехника, тўқимачилик sanoati, қишлоқ хўжалигида кооперация лойиҳаларини амалга ошириш бошланган.

Масалан, Қозоғистонда енгил автомобиллар ишлаб чиқарувчи қўшма корхона фаолият юритмоқда. Тожикистонда маиший техника ишлаб чиқариш заводи ишга туширилди. Қирғизистон ва Қозоғистон Иссиққўл вилояти ҳудудида қуёш электр станцияларини қуриш бўйича қўшма корхона ташкил этди.

Ўзбекистон ташаббуси туфайли минтақанинг барча мамлакатлари билан чегараолди савдо зоналарини ташкил этиш ишлари бошланди. Ҳозирги вақтда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон билан бундай ҳудудларни шакллантириш механизми йўлга қўйилган.

Натижада охириги 7 йилда минтақа иқтисодиёти 6,3 фоизга ўсиб, унинг ҳажми 450 миллиард долларга яқинлашди.

Умумий ўзгаришлар орасида сув, сув энергетика ва экология масалалари билан боғлиқ йўналишда катта ютуқлар кузатилмоқда.

Бу борада 2023 йилда Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон ўртасида 1-Қамбарота ГЭСини биргаликда қуриш бўйича имзоланган “йўл харитаси”, шунингдек, Ўзгегветация дaвpида Тўхтагул сув ombopининг сувни oқизиш масаласини биргаликда ҳал қилиш бўйича келишув муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон, Тожикистон ва Қозоғистон ўртасида Баҳри Тожик (Қайроққум) сув ombopининг вегетация дaвpида ишлаш

режими бўйича келишувга эришилгани ҳам муҳим аҳамият касб этиб, бу Сирдарё ўрта oқимида зарур миқдорда сув eтказилишини таъминлаш имконини берди.

Янги геосиёсий шароитда Марказий Осиё Буюк Ипак йўли дaвpида минтақа eтaллагaн ўринни — Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жанубни боғловчи кўприк, турли иқтисодий манфаатлар чорраҳаси макomini яна ўзига қайтармоқда. Минтақа Транскаспий йўлагини, Шимол-Жануб йўналишини, шунингдек, Марказий ва Жанубий Осиёни боғлайдиган, Хитойдан Европага борадиган йўлакларни диверсификация қиладиган янги лойиҳалар доирасидаги транспорт-коммуникация йўналишларининг муҳим қисмига айланмоқда.

Минтақамизни Европа темир йўллари тармоғи билан боғлашга мўлжалланган “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўл магистрални қурилиш тўғрисида битим тузилиши Марказий Осиё учун транспорт-транзит йўналишларини диверсификация қилишда катта ютуқ бўлди.

Бу йилларда маданий-гуманитар аламушуву сезиларли даражада фаоллашди. Айни пайтда маданият йиллари, кино кунлари, кўргазмалар, концерт ва ижодий сафарлар, қўшма спорт тадбирларини ўтказиш мунтазам тус олди. Мамлакатларимиз фуқаролари хуш кўрадиган барча сайёҳлик йўналишларининг 80 фоизга яқини минтақавий ички туризмга тўғри келаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Биргина Ўзбекистонда 2023 йилда бу кўрсаткич 6,6 миллионни ташкил этди ва уларнинг аксарияти қўшни давлатлардан келган сайёҳлардир.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёни барқарорлик ва илчил тараққиёт ҳудудига айлантириш бўйича кенг қамровли стратегиясининг яна бир муҳим таркибий қисми Афғонистонда узоқ муддатли тинчликка эришилди. 2016 йилда Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Президенти этиб сайланиши билан Тошкентнинг афғон сиёсати тизимли ва комплексли тус олди. Афғонистон бўйича янгича ёндашувнинг ўзига хос хусусияти минтақа давлатлари ва бутун жаҳон ҳамжамиятининг Афғонистон ҳудудида узоқ муддатли тинчликка эришиши ва ушбу мамлакатнинг минтақа билан хўжалик алоқаларига интеграциялашувини таъминлаш борасидаги сайёҳ-ҳаракатларини бирлаштириш бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2022 йилда қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеясининг “Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш” махсус резолюциясида Марказий Осиё ва умумий аҳолиси қарийб 2 миллиард киши бўлган Жанубий Осиё ўртасида алоқаларни ўрнатишда Афғонистон алоҳида ўрин туттиши эътироф этилган.

Тошкентнинг Афғонистон бўйича жорий сиёсатининг яна бир муҳим хусусияти шундаки, Ўзбекистон Афғонистонга бутун Марказий Осиёнинг узвий, ажралмас қисми сифатида қарайди.

Ҳеч кимга сир эмаски, янги Марказий Осиё жаҳондаги қудратли давлатлар ва етакчи давлатларни ўзига тортадиган минтақага айланди. Бугунги кунда Марказий

“Марказий Осиё жаҳонда яхлит ва бир бутун ҳудуд сифатида танилмоқда, у ўзининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш учун янада кўп имкониятларга ва ташқи дунё билан муносабатларда каттароқ вазнга эга бўлиши мумкин.

Осиё 10 дан зиёд “Марказий Осиё+” форматлари доирасида 40 га яқин давлат ва иккита минтақавий ташкилот билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. Ҳамкорлик салоҳияти ва имкониятлари ҳақида гапирганда, таъкидлаш жоизки, ушбу иқтисодий макондаги давлатлар хиссасига жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 75 фоизини тўғри келади ва уларда тўрт миллиардга яқин аҳоли истиқомат қилади.

Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари учун бу, энг аввало, иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш манбалари, товар ва хизматларимизни илгари суриш учун янги бозорлар, шунингдек, кўп миллионли сайёҳлар оқимидир.

Ўз навбатида, Марказий Осиё ҳамкорларимиз учун 80 миллиондан ортиқ истеъмолчи эга истиқболли бозор ҳисобланади. Бу ерда жаҳон нефть ва газ захираларининг 7 фоизини, рақамли ва яшил трансформация учун зарур бўлган ўта муҳим нодир материалларнинг катта захиралари тўпланган. Хусусан, минтақада мавжуд

“Бу ижобий ўзгаришларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида очкилик ва жараёнга дахлдорлик йўлига қатъий ўтган Ўзбекистон ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Бундай ёндашув бутун минтақага шиддатли куч бермоқда, бошқаларга намуна бўлмоқда.



10 турдаги ўта муҳим материаллар захираси 5,2 фоиздан 38,6 фоизгача бўлган миқдорни ташкил этди.

Марказий Осиё рақобатбардош меҳнат ресурслари кўпайиб бораётган минтақа ҳамдир. БМТ ҳисоб-китобларига кўра, 2050 йилга бориб минтақа аҳолиси 100 миллиондан ошади. Шу билан бирга, у энг ёш минтақалардан бири бўлиб қолади — аҳолининг ўртача ёши 30 га яқин бўлади.

Марказий Осиё ўз субъектлигини мустаҳкамлаб, мохиятан жаҳон майдонида мустақил иштирокчига айланиб бўлганини тан олмаслигининг иложи йўқ. Айни вақтда мамлакатларимиз ташқи ҳамкорлар билан ўзаро муносабатларни йўлга қўйишда умумий ёки яқин позициядан туриб фаол ҳаракат қилмоқда.

Марказий Осиёдаги ўзгаришлар натижалари бутун дунёда юқори баҳоланмоқда ва эътироф этилмоқда. БМТ Бош котибининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ раҳбари Каха Имнадзе Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг



учун зарур суръатни таъминламоқда”, деб ҳисоблайди Ф.Луқьянов.

Хадсон институтини (АҚШ) эксперти Ричард Вайтсинг таъкидлашча, “Ш.Мирзиёев Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари билан муносабатларини яхшилашда намойиш этган азму шижоат ушбу ҳамкорлар Тошкентнинг янги минтақавий ёндашувини кутган ва олқишлаганидан далолат беради”.

Унинг сўзларига кўра, мамлакат Евроосиёнинг қоқ марказида, кўплаб “Шарқ-Ғарб” ва “Шимол-Жануб” транспорт йўлакларини орасида жойлашган бўлиб, бу “Тошкентнинг кўмаги йирик минтақавий лойиҳалар учун жуда муҳим ва Евроосиёнинг барқарорлиги ва раванқини учун ҳаётий аҳамиятга эга эканини кўрсатади”.

Халқаро экспертлар Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий ўзига хослигини шакллантириш қўшнилар билан яқинлашувини илгари суришда муҳим ўрин туттишини эътироф этмоқда. Шанхайдаги Фудань университети профессори Чжао Хуашэнинг таъкидлашча, “Марка-

зий Осиё мамлакатлари минтақа ичида ҳам, ташқарисида ҳам умумий ўзига хослиқни тобора кўпроқ тан олишмоқда”.

Олимнинг фикрича, “Марказий Осиё жаҳонда яхлит ва бир бутун ҳудуд сифатида танилмоқда, у ўзининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш учун янада кўп имкониятларга ва ташқи дунё билан муносабатларда каттароқ вазнга эга бўлиши мумкин”.

Остона саммитидаги яқдиллик Марказий Осиёнинг фаровонлиги ва раванқини йўлида умумий масъулият ва ҳамжиҳатликни қарор топтиришнинг муҳим шартини сифатида Марказий Осиё ўзига хослигини шакллантиришга бўлган интилишда ҳам намоеён бўлди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2023 йил сентябр ойда БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида сўзлаган нутқида ҳақли равишда таъкидлаганидек, “Ишонч билан айтиш мумкинки, бизнинг халқларимизни минтақавий ўзига хослиқни англаш туйғусини бирлаштиришда ва бу туйғу тобора кучайиб бормоқда”.

Остона шахрида бошланган “Марказий Осиё бешлиги” етакчилиги учрашувларининг иккинчи давраси 2025 йилда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларини саммитини қабул қилувчи мамлакат сифатида Ўзбекистон зиммасига кенг қамровли минтақавий кооперацияни изчил илгари суриш бўйича алоҳида масъулият юклайди. Бу нима дегани?

БИРИНЧИДАН, сиёсий мулоқотни янада чуқурлаштириш.

Очкилик, тенг ҳуқуқлик, ҳурмат ва манфаатларни ҳисобга олиш тамойилларига асосланган сиёсий ишончини мустаҳкамлаш лозим. Бу борада барча даражаларда мунтазам сиёсий мулоқотни давом эттириш ва янада ривожлантириш, унга тизимли ва кўп қиррали тус бериш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон иқтисодиётидаги инқирозли ҳодинсалар ва турли куч марказларининг кескин қарама-қаршилиги шароитида хавфсизликни таъминлаш масалаларида сайёҳ-ҳаракатларни яқиндан мувофиқлаштириш зарур. Бундай шароитда Ўзбекистон Президентининг олтинчи МОДРМУ доирасида илгари сурилган Минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш концепциясини ишлаб чиқиш тўғрисидаги ташаббуси муҳим аҳамиятга эга.

ИККИНЧИДАН, иқтисодий йўналишда стратегик ўсиш ва тўв ўзгаришчи амалга ошириш бизнинг устувор вазифамиз бўлиши керак.

Савдо, инвестиция, технология ва инновация соҳаларидаги ҳамкорлик ўзаро шериклигимизнинг бош мақсади этиб белгиланиши жуда муҳимдир. Иқтисодиёт ўзаро манфаатли ҳамкорлиқнинг асоси ва ҳаракатлантирувчи кучига айланиши зарур.

Биз минтақамизни иқтисодий ўсиш ва инвестицион фаоллиқнинг жаҳон марказларидан бирига айлантириш тарафдоримиз.

Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, пировардида “Ягона минтақавий бозорни шакллантириш бизнинг узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган стратегик мақсадимиз бўлиши керак”.

УЧИНЧИДАН, sanoat кооперацияси бўйича қўшма лойиҳаларни илгари суриш.

Бугунги кунда минтақа мамлакатлари ушбу йўналишда ҳамкорлик қилишга тўлиқ тайёригилни кўрсатмоқда. Остона саммитида Ўзбекистон Президенти Минтақавий санавташтириш бўйича ягона харитани шакллантириш ва вазирлар даражасида Кенгаши ишга туширишни таклиф қилди. Чегарадош ҳудудларда савдо-логистика ва sanoat марказлари тармоғини ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

ТўРТИНЧИДАН, транспорт-коммуникация салоҳиятини рўёбга чиқариш.

Марказий Осиёда минтақавий транспорт йўлакларини стратегиясини ишлаб чиқиш, Марказий Осиё транспорт тизимини барқарор ривожлантириш бўйича минтақавий дастурни қабул қилиш ва минтақада транспорт-логистика соҳасини ривожлантириш бўйича ҳамкорлиқни мувофиқлаштириш учун Марказий Осиё мамлакатларининг транспорт коммуникациялари бўйича минтақавий кенгашини шакллантириш бу соҳадаги ҳамкорлиқни чуқурлаштиришда муҳим қадам бўлиши мумкин.

БЕШИНЧИДАН, энергетика соҳасидаги ҳамкорлик.

Марказий Осиёда умумий энергетика бозорини шакллантириш бўйича қўшма ёндашувларни ишлаб чиқишга объектив зарурат мавжуд.

Бунда энергия ресурсларини ўзаро етказиб беришни кўпайтириш, энергетика объектиларини қуриш, қайта тикланувчи энергия манбаларини, замонавий ресурс тежовчи ва экологик тоза технологияларни кенг жорий этиш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш алоҳида ўрин туттиши мумкин.

ОЛТИНЧИДАН, иқлим ўзгаришчида мослашиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш.

Минтақамизда глобал иқлим ўзгариши, сув ресурслари тақчиллиги, чўлланшиш ва тупроқнинг таназзулга учраши ҳамда ҳосилдорлиқнинг пасайиши билан боғлиқ муаммолар тобора кучайиб бормоқда.

Марказий Осиё мамлакатлари иқлим ўзгариши оқибатларига қарши курашиш учун, айниқса, экстремал об-ҳаво ҳодисалари тез-тез содир бўлаётган шароитда, мувофиқлаштирилган ҳамкорлик зарурлиги масаласида тўлиқ англашувга келган.

Ўз навбатида, озиқ-овқат хавфсизлиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини барқарор етказиб бериш масалалари иқлим ўзгариши оқибатлари ва жаҳон сиёсатидаги кескинликнинг кучайиши натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш тизимидаги ўзгиришлар шароитида ўта муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу нуқтаи назардан, қишлоқ хўжалиги эканларининг серҳосил навларини яратиш, сугоришнинг янада оқилона усулларини излаш, аграр соҳага сувни тежайдиган технологиялар ва инновацияларни жорий этиш учун агросаноат кооперацияси соҳасидаги ҳамкорлиқни кучайтириш муҳим.

ЕТТИНЧИДАН, маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш.

Маданият, фан, таълим ва туризм соҳаларидаги ҳамкорлиқни кенгайтириш борасидаги сайёҳ-ҳаракатларимизни давом эттириш муҳимдир. Марказий Осиё мамлакатларининг тобора жипслашиб бораётгани минтақани дунёдаги энг жозибадор сайёҳлик йўналишларидан бирига айлантириш учун мислсиз имкониятлар яратмоқда.

Минтақавий туризм соҳасини янада ривожлантириш учун бизда барча имкониятлар мавжуд. ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатида киритилган 1000 дан зиёд объектлардан 20 дан ортиги минтақада жойлашган бўлиб, ушбу макондаги маданий ва тарихий объектиларни янада оммалаштириш учун улкан салоҳиятни шакллантиради.

Мазкур устувор вазифаларни амалга ошириш барча даражадаги минтақавий ҳамкорлиқни янги илмий асосланган ғоя ва таклифлар билан доимий равишда “озиқлантириш”ни тақозо этади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти давлат раҳбарларининг навбатдаги саммитида кўриб чиқишлиши мумкин бўлган концептуал тавсия ва таклифларни биргаликда ишлаб чиқиш мақсадида етакчи тахлилий марказлар ва академик доиралар иштирокидаги Марказий Осиё эксперт форумининг йилгишани мамлакатимизда ўтказишни таклиф этди.

Бу борада Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан тасвир этилган ноёб илмий-тадқиқот ташкилоти — Марказий Осиё халқаро институтини зиммасига алоҳида масъулият юклатилди.

Умуман олганда, 2017 йилда Ўзбекистондаги кенг қўламли ўзгаришлар ҳамда Тошкентнинг яхши қўшничилик ва ҳамкорлик бўйича инновацион сиёсати натижасида бошланган Марказий Осиёда минтақавий яқинлашув жараёни бугунги кунда барқарор ва ортга қайтмас тус олди.

Мамлакатнинг очкилик сиёсатидаги ўтиши ва Ўзбекистон Президентининг ташқи сиёсий доктринасида эълон қилинган Марказий Осиё устуворлиги тамойили ҳаётга татбиқ этилиши минтақадаги сиёсий-иқтисодий жараёнларнинг тубдан янгиланишини таъминлади.

Давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси, мисли қўрилмаган прагматизми, ишончини мустаҳкамлаш чоралари ва узоқни кўзлаган дипломатияси, асосий давлатлараро ва минтақавий муаммоларни ҳал қилиш учун оқилона муроСага тайёрлик Марказий Осиёда тортишув ва келишмовчиликлардан ўзаро англашув ва ҳамкорлик сари стратегик қадамни таъминлади.

Ушбу инқиблий ёндашувларнинг икки томонлама фаол мулоқотлар ва давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларида мустаҳкамланиши мамлакатларининг тинч, барқарор ва илчил ривожланаётган ҳамда фаровон Марказий Осиёни биргаликда барпо этишга бўлган умумий содиқлигини тасдиқлашга хизмат қилди.

Глобал Ҳаётдаги шароитида Евроосиёнинг қоқ юрагидagi стратегик муҳим минтақада давом этаётган бу тинч ва бунёдкорона трансформация жараёни экспертлар муҳокамасининг мавзусига айлانган ва келажакда қуқур илмий изланишларнинг предмети бўладиган, жаҳон сиёсатининг ноёб феноменидир.

Ҳеч шубҳасиз, кўз ўнгимизда шаклланаётган Янги Марказий Осиёнинг бош меъмори минтақа тарихига ўз номини ёзиб улгурган Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевдир. Остона шахрида бўлиб ўтган Марказий Осиё саммитида Ўзбекистон Президентига Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Фахрий нишони топширилгани мамлакатимиз етакчисининг минтақа давлатлари ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро англашувни ривожлантиришга қўшган шахсий хиссасининг яна бир эътирофи бўлди.

Кун мавзуси



Бир оилани биламан. Ўзига тегишли каттагина ҳовлида истикомат қилади. Яқинда пул зарур бўлиб, ана шу ҳовлининг бир қисмини сотмоқчи бўлди. Аммо оила аъзоларининг ҳеч бирида ўша ер майдонига эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжат йўқ экан. Очиғи, ҳайрон қолдим. Чунки эсимни таниганимдан бери оила шу уйда яшашини ва мулк уларга отасидан мерос қолганини биламан. Маълум бўлишича, илгари хонадон майдони кенгайтирилиб, қўшимча ер қўшиб олинган ва унга эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжат расмийлаштирилмаган. Шунинг билан оила аъзолари ҳалигача овера, бироқ ҳеч эгалик ҳуқуқини ололмайдди.

Жорий йил 5 августда Президентимиз имзолаган “Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қонун ана шундай минглаб, миллионлаб юртдошларимиз кутаётган ҳуқуқий асос бўлди. Бу қўллаб ошлар ҳаётига дахлдор масала эди. Дастлабки ўрганишларга кўра, ҳозир ҳуқуқий ҳужжати йўқ ёки тўлиқ бўлмаган 3 миллион 800 мингдан ортиқ ер участкаси мавжуд. Уларнинг ҳар бири ўртача 3-4 нафардан фуқаро ва тадбиркорларга дахлдор бўлса, бу қонун 10 миллиондан зиёд кишининг муаммосини ҳал қилади, дегани. Энди улар йиллар давомида ўзига тегишли бўлиб келган ер участкалари ва уларда қурилган биноларни легаллаштириб, яъни қонунийлаштириб олиши мумкин.

Аммо жараён кўпчилики кутаётганидек тез ва бирдан амалга ошиб қолмайди. Қонун билан ҳужжатсиз ер, бино-иншоотларни қонунийлаштириш тартиб-тамоиллари белгиланган. Ҳўш, бу тартиблар қандай? Энди ўзбошимчалик билан эгалланган ерни ҳам қонунийлаштириш мумкинми?

Тараққиёт одимлари



Дилфуза ЖҲРАЕВА,  
Сурхондарё вилоят давлат  
архиви директори

Худудда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик бизнес субъектларининг ҳиссаси тобора ортиб бормоқда. Бу юртимизда соҳа вакиллари фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, уларга қўллаб имконият ва имтиёзлар яратиб берилаётгани самарасидир.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ялпи ҳудудий маҳсулот қиймати 21,4 триллион сўмини ёки 105,5 фоизни ташкил этди. Бунда саноат маҳсулотлари ҳажми 4,3 триллион, хизматлар кўрсатиш 8,8 триллион, қишлоқ ҳўжалиги 16,8 триллион сўмини ташкил этганининг ўзидек барча соҳадаги дастурлар, кенг қўллаб имтиёзлар самарасидан сўзлайди.

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бюджетга 1 триллион 504,1 миллиард сўм ундирилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 122,2 фоиз ўсиш таъминланди. Бунинг билан саноат ишлари тизимли ташкил этилаётгани, мутасадди раҳбарларнинг жонқуялиги ва узоқни кўзлаб иш тутаетгани натижаси, дейиш мумкин.

Улкан бунёдкорлик ишлари баробарида ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек,

Қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2023 йил 21 ноябрда ер ҳисоби ва кадастр хизматлари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги топшириғи асосида ишлаб чиқилди. Лойиҳани тайёрлашда Италия, Болгария, Хорватия, Чехия ва бошқа давлатларнинг тажрибаси инобатга олинди. Шунингдек, лойиҳани тайёрлашда БМТ томонидан ишлаб чиқилган йўриқномалар ўрганилди.

ҲУЖЖАТСИЗ ЕР ВА УЙ-ЖОЙНИ ҚОНУНИЙЛАШТИРИШ

Фуқаролар қаерга мурожаат қилиши керак?



Кадастр агентлиги Методология ва услубий қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиги Бехзод НИШОНОВ билан мазкур қонуннинг моҳияти, ҳужжатсиз ер ва бино-иншоотларни қонунийлаштириш жараёнига оид долзарб жиҳатлар ҳақида суҳбатлашдик.

— Юртимизда фуқароларнинг ўзига тегишли, аммо ҳужжатсиз ёки ўзбошимчалик билан ўзлаштирилган ер ва унда қурилган уй-жойларни расмийлаштириш энг катта муаммолардан бири бўлиб келган. Бу ҳужжатларнинг йўқолиб кетгани ёки тўлиқ эмаслиги, ушбу йўналишда тизимли иш қилинмагани ва бошқа қўллаб омишлар билан боғлиқ. Энг муҳими, шу вақтгача бу борада аниқ ҳуқуқий асос мавжуд бўлмаган. Натижада ҳозир мамлакатимиз аҳолисининг кўпчилиги ҳужжатсиз уйда яшайпти. Жойларда мулк ҳужжатларини расмийлаштириш, яъни мерос олиш, кимгадир ҳада қилиш, бошқа бировга сотиш бўйича мурожаатлар ниҳоятда кўп. Тадбиркорларнинг ҳам бу масалада муаммоси етарлича. Шу боис, давлатимиз раҳбари имзолаган мазкур қонунни тарихий ҳужжат, дейиш мумкин.

Қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2023 йил 21 ноябрда ер ҳисоби ва кадастр хизматлари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги топшириғи асосида ишлаб чиқилди. Лойиҳани тайёрлашда Италия, Болгария, Хорватия, Чехия ва бошқа давлатларнинг тажрибаси инобатга олинди. Шунингдек, лойиҳани тайёрлашда БМТ томонидан ишлаб чиқилган йўриқномалар ўрганилди.

Янги қонун 6 боб, 35 моддадан иборат бўлиб, унда 8 тоифадаги объектлар учун мулк ҳуқуқини расмийлаштиришга рухсат берилди. Улар 2018 йил 1 майга қадар ўзбошимчалик билан эгаллаган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотлар, майдондан ортиқча эгалланган ер участкаси ҳамда унда қурилган уй-жойлар, “бир марталиқ акция” доирасида ҳуқуқларни эътироф этиш охирига етмаган мулклар ва ҳоказони ўз ичига олади. Олий суд ва Адлия вазирлиги билан биргаликда жуда кўп ҳолат умумлаштирилиб, асосий саккизта тоифа белгилаб олинди.

Дастлабки ўрганишларга кўра, ҳозир “бир марталиқ акция” доирасида ҳужжатлари расмийлаштирилиши бошланган, лекин якунига етмаган 60 мингдан зиёд ҳолат бор. Шунингдек, кичик саноат зоналарида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг 1200 дан ортиғида ҳужжатлаштириш ишлари тугатилмаган. Туманларда ҳоким қарори билан уй-жойига мулк ҳуқуқи эътироф этилиб, ер участкасига бўлган ҳуқуқ белгиланмай қолган қўллаб ҳолатлар мавжуд. Қонунда ана шуларнинг барчасини ҳужжатлаштириш назарда тутилган.

Қонундаги “Ўзбошимчалик билан эгалланган”, деган жумла одамларда катта қизиқиш ва

ҳужжатлар сақланмаган. Ҳозир юртимиздаги 2 миллион 400 мингдан ортиқ уй-жой шундай ҳолатда. Уларнинг барчаси тегишли тартибда ўрганилиб, қонуний ечимлари берилди.

— Қонун эълон қилинган кундан бошлаб, ҳудудларда одамлар Кадастр агентлиги идораларига ошиқча бошладди. Умуман, жараён қачон амалиётга татбиқ

ҳужжатсиз ер участкалари ва уй-жойларни қонунийлаштириш билан шугулланади. Аҳолининг бу масалада бирор жойга мурожаат қилиши ёки ариза беришига зарурат йўқ. Ҳаммаси тартиб асосида, белгиланган муддатда бажарилади.

Масалан, графикда муайян ҳудуд ёки маҳаллага қачон борилиши белгиланган.



Графикда муайян ҳудуд ёки маҳаллага қачон борилиши белгиланган бўлса, фақат ўша вақтда борилади. Алоҳида ариза берилган тақдирда ҳам эгалик ҳуқуқини эътироф этиш учун ҳудудга ўзбошимчалик билан боришмайди. Қонун 2028 йил 1 январга қадар амал қилади ва ҳужжатлаштириш амалиёти уч йилдан зиёд вақт давомида тўлиқ амалга оширилиши белгиланган.

савол туғдирапти. Ноқонуний эгаллаб олинган ер ёки уй-жойни ҳам энди қонунийлаштириб, бемажол ўзимизники қилиб оласан бўлар экан, деган нотўғри тушуنча пайдо бўлмоқда. Аслида, “Ўзбошимчалик билан эгалланган”, деган жумла фақат “ноқонуний” маъносини англатмайди. Бу борада доимий муҳокама-лар ҳам бўлди. Гап шундаки, қонунчиликда ҳужжатлари сақлаб қолинмаган ер ёки бино-иншоотларга нисбатан ҳам “Ўзбошимчалик билан эгалланган”, деган таъриф қўлланади. Масалан, ўтган асрда ажратилган ерларнинг кўпи шундай ҳолатда, яъни муайян сабабга кўра,

этилади ва ҳужжатсиз ер ҳамда уй-жойларни қонунийлаштириш учун фуқаролар қаерга мурожаат қилиши керак?

— Аввало, қонун имзолаган вақтдан бошлаб уч ойдан кейин кучга киради. Унга қадар жойларда тарғибот, тушунтириш ва тайёргарлик ишлари бажарилади. Ҳуқуқларни эътироф этиш ҳудудлар бўйича босқич-ма-босқич амалга оширилади. Бунинг учун Кадастр агентлиги ҳокимлар тақлифига кўра, режа-жадвал тасдиқлайди. Ана шу режа-жадвал асосида давлат ташкилотлари ходимларининг ўзи жойларга чиқиб,

бўлса, фақат ўша вақтда борилади. Алоҳида ариза берилган тақдирда ҳам эгалик ҳуқуқини эътироф этиш учун ҳудудга ўзбошимчалик билан боришмайди. Қонун 2028 йил 1 январга қадар амал қилади ва ҳужжатлаштириш амалиёти уч йилдан зиёд вақт давомида тўлиқ амалга оширилиши белгиланган.

Бироқ бу барча ҳужжатсиз мулкка эгалик ҳуқуқини эътироф этилади, дегани эмас. Бу бўйича қонунда асосий шартлар ва талаблар ҳам аниқ белгиланган. Масалан, ер бошқа шахсга ажратилмаган ёки аукционга чиқарилмаган бўлиши, ер бўйича низо бўлма-лиги, бош режа талабларига эид эмаслиги ва бошқа омишлар ҳисобга олинади.

Қолаверса, бу битта шахс ёки ташкилотга боғлиқ жараён эмас. Агар бирор фуқаро ёки тадбиркорнинг олдига кимдир келиб, эгалик ҳуқуқининг расмийлаштиришга ёрдам бера-ман, деса, у фурибгар бўлади. Боиси, бунинг сира иложи йўқ. Қонунда расмийлаштириш-га масъул ташкилотлар ҳамда жараён кетма-кетлиги кўрсатиб ўтилган. Уларнинг ҳар бири ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, орада қонун бузилиши, таниш-билишчилик ҳолатларига йўл қўйилмайди. Барчаси шаффоф амалга оширилиши таъминланади.

Жумладан, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бино ва иншоотларга тааллуқли маълумотлар ҳамда ҳужжатларни келишиш Кадастр агентлигининг автоматлаштирилган ахборот тизими орқали бажарилади. Бу тизимга 15 та ваколатли ташкилот ҳам тегишли маълумотларни киритади. Натижалар маҳалла бурчаклари, Кадастр агентлиги сайти орқали жамоатчиликка маълум қилинади. Тўпланган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва қонунийлиги вилоят адлия бошқармаси томонидан текшириб чиқилади. Ижобий ҳулоса берилган фуқароларга СМС хабар юборилади. У асосида бир марталиқ тўлов амалга оширилган объектларга Халқ депутатлари вилоят кенгаши қарори билан ҳуқуқлар эътироф этилади.

Прокуратура, ички ишлар, агроинспекция, экология, кадастр органлари қонунни амалга оширишда давлат назоратини ўрнатади. Шунингдек, қонунда жамоатчилик назоратига алоҳида эътибор қаратилган. Халқ депутатлари туман кенгашлари қарори билан ҳар бир маҳаллада жамоатчилик гуруҳи ташкил этилади. Бу гуруҳга маҳалла жойлашган округдан сайланган туман кенгаши депутати, маҳалла раиси ва фаол фуқаролар киритилади. Қўрилаётган ишда мулкдорлар ўртасида низо бўлса ҳам иш кейинги босқичга ўтмайди.

Бу амалиёт Қорақалпоғистонда аллақачон бошланган. Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 28 июлдаги фармони билан фақат ушбу ҳудуддаги ҳужжатсиз уй-жойлар ва улар жойлашган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қарори билан эътироф этишга рухсат берилган эди. Шундан сўнг барча туман ва шаҳарларда ички гуруҳлар тузилиб, Қорақалпоғистонда ҳуқуқни белгилловчи ҳужжатларсиз қурилган 43 минг 432 та уй-жой бира-бир ўрганиб чиқилди. Уйларнинг жойлашган ўрни, ҳолати ва қурилган вақти ер ҳисоби ҳамда космик суратлари тахлил қилиш асосида текширилди. Барчасининг якунида ижобий ҳулосага келинган 27 минг 590 та уй-жойга мулк ҳуқуқи, улар жойлашган ер участкаларига эса ижара ҳуқуқи эътироф этилди.

Ушбу халқларпар сиебат шунча хонадонда яшовчи 100 мингдан ортиқ фуқаронинг ҳаётига ижобий таъсир кўрсатди. Уларда ўз уй-жойини қонуний расмийлаштириб олиш, бошқа шахсга сотиш, оила аъзоларини доимий рўйхатга қўйиш ҳуқуқи пайдо бўлди. Шунингдек, мулкдорлар энди бу уйлари таъмирлаш ёки қўшимча қурилиш қилиш учун имтиёзли кредит олиши, уй-жой жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган ҳолларда, қонунга мувофиқ компенсация талаб қилиши мумкин бўлди.

Шу жиҳатдан ушбу қонунни хусусий мулк кафолатини таъминлашдаги энг катта ислохотлардан бири, дейиш мумкин. Уни юртимизнинг барча ҳудудига жорий этиш орқали миллионлаб юртдошларимизни узоқ йиллардан бўён қийнаб келаетган муаммога ечим берилди. Жараёнда асосий эътибор, албатта, адолат ва шаффофлиқни таъминлашга қаратилади.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири  
Ирода ТОШМАТОВА  
суҳбатлашди.

СУРХОНДАРЁ РИВОЖИ ВА ИСТИҚБОЛИ

амалга оширилаётган лойиҳаларда ўз аксини топмоқда

Сурхондарё уфқларга туташ кенгликларияу баланд тоғлари, кўркам ва серхосил боғ-роғларияу экинзорлари билан маълум машхур. Истиқлол нуридан қалб шуури равшан тортган воҳа одамларининг қадами бугун янада дадил, бунёдкорлик ишлари салмоқли, десақ, муболага бўлмайди. Вилоят иқтисодий имконияти, табиий бойликлари билан мамлакатимиз тараққиётда алоҳида ўринга эга.

Фуқароларнинг фаровон турмуш кечиришига муносиб ҳисса қўйиш ҳам ҳар бир раҳбарнинг муҳим вазифаларидан.

Вилоятда меҳнатга лаёқатли фуқаролар 1 миллион 489,6 минг, иқтисодий фаоллар 1 миллион 91,8 минг, банд одамлар сони 1 миллион 11,2 минг нафарни ташкил этади. Шундан 372 минг фуқаро расмий секторда, 495,6 мингги норасмий секторда иш билан банд, 143,6 минг киши хорижга ишлаш учун кетган.

Жорий йил январь-июнь ойларида 183,2 мингта янги иш ўрни очилиши белгиланган бўлиб, амалда бу кўрсаткич 243,3 мингтани ташкил этди. Бунинг билан бўйича тақсимласак, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш йўналишида 1415 та, хизмат кўрсатиш ва тадбиркорликни ривожлантириш йўналишида 58 минг 691 та, қишлоқ ҳўжалиги йўналишида 177 минг 980 та, қурилиш йўналишида 5181 та янги иш ўрни яратилди.

“Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш” дастурлари доирасида 15 минг 142 фуқаро ва тадбиркорлик субъектига 236,6 миллиард сўм, “Бизнесга биринчи қадам” дастури бўйича ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз 7360 кишига 68,5 миллиард сўм кредит ажратилди.

Жорий йил 1 июль ҳолатига кўра, муаммоли кредитларнинг 1 триллион 18 миллиард сўм қамайишига эришилди.

Тадбиркорликни ривожлантириш, “Сайхунобод тажрибаси” мисолида аҳоли даромадини ошириш, шунингдек, банк миқозлари билан ўтказилган учрашувларда кўтарилган муаммоларни ҳал этиш орқали жами 8,9 мингта иш ўрни ташкил этилди.

Президентимизнинг тегишли қарорига асосан, 3505 ташаббускорга 280,9 миллиард сўм кредит ажратилиб, шу орқали 8000 та иш ўрни яратилди. Ҳоким

ёрдамчилари томонидан жами қиймати 230,8 миллиард сўмлик 1,2 мингта микролойиҳа ишга туширилиши ҳисобига 3,7 минг киши ишли бўлди.

Бундан ташқари, ҳоким ёрдамчилари томонидан берилган ижобий тавсияномалар асосида жами 1463 фуқарога енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш, асбоб-ускуна ва бошқа турдаги меҳнат қуроллари харид қилиш учун 6192 миллион сўмлик субсидия ажратилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида деҳқон ҳўжаликлари ташкил этиш учун жами 1843 гектар қишлоқ ҳўжалиги майдони 1981 лотга бўлиниб, “E-auction” савдо платформаси орқали очиқ электрон сўмлик бўлиб қўйилди. Аукцион натижасига кўра, 238 гектар ер 275 фуқарога ажратиб берилди.



Худуд ривожини, гуллаб яшашини, энг аввало, фуқароларнинг иш билан бандлиги, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиб, муайян соҳанинг этагидан тутиб фаол фуқаролик позицияси билан яшашда ҳам кўринади. Аини шу мақсадда жорий йил якунигача 377,7 мингта янги иш ўрни яратилиши белгиланган. Амалда бу кўрсаткич 411,2 мингтага етиши кутилляпти.

Бугун Сурхондарёнинг замонавий қиёфаси, нуфузини дунёга танитишда туризмнинг муносиб ўрни бор, албатта. Сабаби, ҳудудда соҳани ривожлантириш учун керагидан ортиқ имконият мавжуд. Фақатгина бундан унумли фойдаланиш, янгидан янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, туризм объектиларини инфратузилмасини яхшилаш ва сайёҳлик ўчоқларини янада сайқаллаш лозим. Аини шу маънода бугун воҳада туризмга иқтисодийни ривожлантиришнинг етакчи соҳаларидан бири сифатида қаралмоқда.

Бойсун тумани Омонхона ҳудудида табиий туризми ва меҳмон уйлари, Сариев тумани Сангардақ массивида экотуризм, меҳмон уйлари, замонавий зиёрат ва дам олиш туризми йўналиши бўйича “Сигма Токент” МЧЖ томонидан мастер-режа ишлаб чиқилди. Омонхона массиви бўйича тайёрланган режага асосан, тадбиркорлик субъектлари билан биргаликда қилинган ишлар натижасида 4 та замонавий меҳмонхона ва 1 та соғломлаштириш маркази барпо этиш бўйича инвестиция лойиҳаси тайёрланди. Ушбу 5 лойиҳанинг жами қиймати 45,8 миллиард сўм, шундан 17,3 миллиард сўми тадбиркорлар маблағи. “Muktadir Iktisos ta'mir” корхонаси томонидан қиймати 12 миллиард сўмлик 50 ўринли меҳмонхона қуриш бўйича ишлар бошланган. “Қамари Азиз” МЧЖ томонидан қиймати 10,3 миллиард

сўмлик 100 ўринли, шунингдек, “Полвонлар дам олиш маскани” МЧЖ томонидан қиймати 10,5 миллиард сўмлик 100 ўринли меҳмонхона қуриш бўйича лойиҳа смета ҳужжатлари тайёрланмоқда.

“Омонхона даволаш маскани” МЧЖ томонидан соғломлаштириш маркази қуриш бўйича лойиҳа смета ҳужжатлари ишлаб чиқилляпти. 2023 йилда Сангардақ массивида 7 та меҳмон уйи ҳамда қиймати 120 миллиард сўмлик 200 ўринли санаторий ишга туширилди.

Президентимизнинг 2023 йил 16-17 ноябрда қурилган Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида воҳадан ўтган транзит имконияти юқори халқаро магистрал бўлиб 5 та хизмат кўрсатиш маркази ташкил қилиш топширини берилган эди. Ушбу топшириққа биноан Бойсун, Банди-хон, Олтинсой ва Шеробод туманларидан ўтган халқаро аҳамиятли автомобиль йўли бўйидан 94,5 гектар майдон танланган ва ишлар бошлаб юборилган.

Воҳаддаги кенг қўламли ишлар билан бир қаторда жойларда “Сайхунобод тажрибаси”ни жорий этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, инфратузилмасини яхшилаш борасида ҳам салмоқли ишлар қилинаётир. Амалга оширилаётган ҳар бир лойиҳа, ҳаётга татбиқ этилаётган ҳар бир дастур бевосита мутасаддиларнинг диққат марказида эканини ҳам таъкидлаш жоиз.

Қолаверса, воҳанинг қадимий ва бой тарихи, қадриятлари, ҳунармандчилигино аҳолининг миришкорлиги, танти одамларнинг тиниб-тинчимасдан энг сара қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини жаҳон бозорига тортиқ этаётгани, янгидан янги қадамжолар, ноёб топилмалар, сайёҳлик йўналишидаги лойиҳалар — буларнинг ҳаммаси Сурхондарёнинг янги қиёфасини, жаҳон майдонидаги янги мақомини белгилаб бераётир.

# “Ўзбекистон — 2030” стратегияси

Сил касаллигининг олдини олиш ва уни тўлиқ даволаш мумкинлигига қарамай, у дунёдаги энг кўп ўлим сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, ҳар йили 10 миллиондан ортиқ аҳоли сил билан касалланади. Айниқса, силнинг дорига чидамли турлари билан касалланиш ҳолатлари ошиб бориши эътиборни янада кучайтиришни тақозо этмоқда.




Сўнгги пайтларда мамлакатимиз сил касаллигининг олдини олиш, эрта ташхислаш ва даволашда сезиларли натижаларга эришиб, уни бартараф этиш борасида қатъий ирода намён этаётди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида аҳолининг ўртача умр давомийлигини ошириш, жумладан, сил касаллигига чалиниш даражасини 100 минг аҳолига нисбатан минимал даражага кескин камайтириш вазифаси қўйилган. Бу вазифа қанчалик удалланмоқда?

Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази директори, республика бош фтизиатри, тиббиёт фанлари доктори Наргиза ПАРПИЕВА билан сўхбатимиз шу ҳақда кечди.

— Президентимизнинг 2019 йил 13 февралдаги “Ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳадаги ишларни янги bosқичга олиб чиқди, — дейди Наргиза Парпиева. — Бу йўналишларнинг бир-бирига bogлиқлигини ошириш мақсадида ҳудудлардаги фтизиатрия бош муассасалари фтизиатрия ва пульмонология марказларига айлантирилди. Силнинг дорига чидамли тури билан касалланганларга кўрсатиладиган ихтисослаштирилган тиббий ёрдамини такомиллаштириш мақсадида даволанишнинг 24 ойлик тури ўрнига қисқартирилган 9 ва 6 ойлик даволаш усуллари амалиётга тўла татбиқ этилди. Бу жараён видеоназорат ёрдамида олиб бориладиган бўлди. 2023 йилнинг ўзида силнинг дорига чидамли тури билан касалланган 700 нафардан ортиқ бемор ушбу даволаш усули билан қамраб олинди. Силга қарши дори-дармон 2016 йилга қадар халқаро ташкилотлар томонидан келтирилган бўлса, энди уларнинг харида давлат бюджетидан молиялаштирилмоқда. Президентимизнинг 2023 йил 20 январдаги “2023–2026 йилларда фтизиатрия ва пульмонология хизматини янада ривожлантиришга қaratилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан аҳоли орасида сил касаллигининг ривожланишига мойиллиги



бўлган хавfli гуруҳ қатламлари аниқланди. Уларда профилактик даво усуллари қўлланила бошланди.

Ҳудудлардаги марказий маслаҳат поликлиникалари таркибидagi фтизиатрия бўлимлари фтизиопульмонология бўлимларига айлантирилди ва асосий вазифалари белгилab берилди. Ушбу хасталикка қарши курашишга масъул тиббиёт муассасалари инфекциян назорат қоидаларига биноан тўлиқ реконструкция қилиниб, илгор тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. “Ўпка саломатлиги” мобил бригадалари ташкил этилди. Улар профилактик кўрик учун зарур бўлган ташхислаш жиҳозлари, жумладан, замонавий ультратомаграф рентген жиҳозлари билан таъминланди.

2023 йилга келиб, силдан касалланиш кўрсаткичи 2011 йилдагига нисбатан 45 фоиз, ўлим кўрсаткичи 87 фоиз камайди. Ҳукумат қарорлари бажарилиши ва ушбу тадбирлар натижалари таҳлили бўйича Ўзбекистоннинг фтизиатрия йўналишидаги фаолияти ЖССТ томонидан юқори баҳоланди ва фахрли иккинчи ўринга лойиқ кўрилди. Шунингдек, БМТ Бош Ассамблеясининг 2023 йилда АҚШда бўлиб ўтган сил касаллиги бўйича олий даражадаги мажлисига Польша билан ҳамкорликда Ўзбекистон ҳамраслиқ қилгани тарихий воқеага айланди.

Жорий йилнинг 24-26 июнь кунлари Тошкентда “БМТнинг сил касаллиги бўйича олий даражадаги учрашуви бўйича мажбуриятлари бажариш: Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари вакиллари иштирокидаги минтақавий мулоқот” мавзусида ўтказилган халқаро анжуманда сил касаллигига қарши курашиш самардорлигини ошириш бўйича истиқболдаги режалар атрофида муҳокама қилинди.

— Касаллиқни самарали даволашда ўпка патологиясининг клиникалиқ белгиларини эрта аниқлаш катта аҳамиятга эга, шундай эмасми?

— Бунинг учун марказ мутахассислари томонидан скрининг анкеталар дастури ишлаб чиқилди ва уларни расмийлаштириш, ўпка касалликлрининг эрта намён бўладиган клиник белгиларини аниқлашга йўналтирилган ўқув семинарида 700 дан ортиқ шифокор ва ҳамшира қатнашди. Скрининг анкеталар амалиётга татбиқ этилиши, аввало, салбий одатлар мавжуд бўлган шахсларда ўпка касалликлари ривожланишининг олдини олади ҳамда касалликларни эрта bosқичда аниқлашга имкон яратди. Натижада касаллик кам маблағ талаб қиладиган bosқичда фаол даволанади, шунингдек, касаллик асоратли кечилишининг олди олинади. 2024 йилнинг ўтган 6 ойи давомида “Ўпка саломатлиги” бригадалари ёрдамида 60 мингдан зиёд аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилгани ҳам ана шу мақсадга қaratилган.

— Латент сил инфекциясига скрининг текширувлари сони 1 миллионгача

# СИЛ КАСАЛЛИГИНИ КЕСКИН КАМАЙТИРИШ ВАЗИФАСИ ҚЎЙИЛГАН


Бу қанчалик удалланмоқда?



оширилиши кўзда тутилган эди. Бу жараён қандай кечмоқда?

— Латент сил инфекцияси касаллик эмас. У ушбу ҳолатларда организмда мавжуд бўлган сил микобактерияси иммунодиагностикумлар ёрдамида аниқланади, ammo касаллиқнинг клиник белгилари намён бўлмайди, лаборатория усуллари билан текширувлар ҳам манфий натижа беради. Фақатгина иммунодиагностикумлар (туберкулин, диаскин тест ва квантиферон) организмда сил микобактерияси мавжудлигини кўрсатиб беради. 2024 йилнинг ўтган вақти давомида латент инфекция аниқланган барча шахслар профилактик даво билан 100 фоиз қамраб олинди.

— Астма ва сурункали обструктив ўпка касалликлари мактабларининг фаолияти



бугун ўз ичига нималарни оляпти? Бу мактабларнинг кимга қандай ёрдами теяпти?

— Барча туманлардаги марказий поликлиникалар ҳузурида “Астма ва сурункали обструктив ўпка касалликлари” мактаблари фаолият кўрсатяпти. Уларнинг асосий вазифаси бронхиял астма, обструктив бронхит ва ўпканинг бошқа сурункали касалликларида чалинган инсонларга касаллик хуружи даврида биринчи ёрдам кўрсатиш, кўзғалиш bosқичининг ривожланиш омиллари ва уларнинг олдини олиш учун амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар тўғрисида маълумот беришдир. Шунингдек, нафас сиқиш хуружи вақтида ингалиция дориларидан унумли фойдаланиш усулларини ўргатишдан иборат. Касаллиқнинг кўзғалиши келтириб чиқарадиган омиллardan сақланиш ўргатилади. Зеро, пульмонологик касалликка чалинганларнинг хасталикка нисбатан шахсий муносабати кўп нарсани белгилайди. Тузалишининг бош муҳим омиллари-дан бири ҳам шу аслида.

Шунингдек, касаллик ривожланиш механизми, сабаблари, уни назорат қилиш усуллари ҳақида беморнинг билим даражасини ошириш ҳам эътибор марказимизда. Диспансер назоратида кузатилаётган, ўпка касалликларида чалинган беморлар билан тўғридан тўғри мулоқотлар ўтказилади ва уларга касалликлрининг илк белгилари намён бўлган тақдирда уй шароитида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш усуллари, касаллиқни кўзғалиш даврига олиб келувчи омиллар ва олдини олиш усуллари тўғрисида тушунтириш берилади. Марказимиз ҳодимлари томонидан барча вилоят оилавий шифокорлари ва патронаж ҳамширалари орасида, шунингдек, ўпка касалликлари билан ogриган беморларни жалб қилган ҳолда мамлакатимизда кенг тарқалган респиратор касалликлар сабаблари, касаллик

механизмлари ва уларни назорат қилиш усуллари бағишланган ўқув семинарлар ташкил қилинди.

— Замонавий бактериология лабораториялари, диагностика ва даволаш ускуналарисиз самарали натижага эришиш қийин. Бу борадаги ишлар хусусида ҳам тўхталасангиз.

— Мамлакатимизда сил микобактериясини аниқлашда 5 погонали вертикал лаборатория тизими яратилган. Барча ҳудудлардаги фтизиатрия тизимидаги муассасалар ва 40 дан зиёд туман марказий поликлиникасида сил билан касалланган шахсларни эрта аниқлаш мақсадида замонавий GeneXpert ген-молекуляр ташхислаш ускуналари ишлаб турибди. Шунингдек, республикада касаллиқни аниқлаш ва ўз вақтида даволаш тадбирларини ташкиллаштириш мақсадида 7 та бактериология лабораторияси фаолият кўрсатади. Уларнинг фаолияти илмий марказ ҳузурида ташкиллаштирилган Миллий референс лаборатория мутахассислари томонидан назорат қилинади. Аниқланган эҳтиёж асосида жиҳозларнинг фаолияти учун зарур бўлган реактив ва картрижлар билан таъминланади. Шу билан бирга, Германиянинг Гаутинг шаҳридаги лаборатория билан бевосита ҳамкорлик қилинмоқда. У ҳудудлардаги лабораторияларга амалий ва методологик ёрдам кўрсатади, ташхислаш борасидаги янги усуллари амалиётга татбиқ этади.

— Олис ва чекка, тоғли, экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларда ташхислаш ва даволаш жараёни қандай кечмоқда?

— Президентимизнинг 2023 йил 20 январдаги қарорида “Ўпка саломатлиги” мобил бригадаси доирасида бундай ҳудудларда яшовчи аҳолини скрининг текширувларидан ўтказиш белгиланган. Текширувлар чоғида сил ва бошқа респиратор касалликлрининг эрта bosқичи аниқланган шахслар даво тадбирлари билан тўла қамраб олинмоқда.

“Ўзавтосаноат” АЖ билан биргаликда олис, чекка ва тоғли ҳудудларга мўлжалланган ихтисослаштирилган автотранспорт воситасининг техник параметрлари ишлаб чиқилди. “Ўпка саломатлиги” мобил бригадаларини жиҳозлаш учун ускуналар, “ISUZU” автобуси, сунъий интеллект дастури ултрапортатив рентген ускунаси, замонавий GeneXpert ген-молекуляр ташхислаш ускуналари, мобил спирометр, 6 каналли электрокардиограф, ноутбук тўплами билан жиҳозлаш вазифаси марказга, автобуслар харида Бухоро, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона, Тошкент вилоятлари ҳокимликлари ҳамда Қорақалпоғистон Жўқорикенгеси Раёсатига юклатилди. Ҳозирги кунга келиб 2023 йил учун белгиланган 7 та автобуснинг барчаси хариб қилинган.

— Сил ва ўпканинг носпецифик касалликлари бўйича эпидемик вазиятнинг мунтазам таҳлил ва мониторинг қилиш, касаллик тарқалиши тенденцияларини прогнозалаш, тақлифлар шакллантириш ҳамда беморларнинг миллий электрон реестрини юритиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталасангиз. Бу борада ЖССТ билан қандай ҳамкорлик йўлга қўйилган?

— Сил касаллиги бўйича миллий электрон реестрини юритиш учун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия қилинган DHIS 2 TB Tasker электрон тизими танланган. Мазкур электрон платформа сил билан касалланган шахсларнинг доимий назоратини таъминлаш, ўз вақтида диспансер назоратига олиш, мақсадли даволаш ва сил касаллиги бўйича эпидемиологик ҳолатни мунтазам таҳлил қилиб бориш мақсадида қўлланиладиган, Осло университети томонидан ишлаб чиқилган очиқ кодли дастурдир.

Осло университети экспертлар гуруҳи ва барча манфатдор ташкилотлар билан биргаликда беморларнинг миллий электрон реестрини юритиш тизими республикамизнинг 4 ҳудудидида қисман (пилот шаклида) ишга туширилди.

Жорий йилнинг июнь ойида тизим Тошкент шаҳри ва вилояти, Сирдарё ва Фарғонада синовдан ўтказилди. Йил охиригача барча ҳудудларда тизимни янада кенгайтириш режалаштирилган.

— Бу ишлар аҳолининг ўртача умр давомийлигини оширишда қандай ўрин тутмоқда?

Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлигини оширишда сил ва ўпка касалликлрини даволаш ва олдини олиш борасидаги ишлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва юқумли касалликларга қарши курашишга қaratилган комплекс чора-тадбирлар дастури қабул қилингани ҳам бунинг аққол далилидир.

Эрта аниқлаш ва диагностика: молекуляр тестлар ва сунъий интеллект дастури ултрапортатив рентген ускунаси каби замонавий диагностика усулларида фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш сил касаллигини эрта bosқичида аниқлаш имконини беради, бу эса даволаш самардорлигини оширади ва касаллиқнинг тарқалиш хавфини камайтиради.

Касаллиқнинг олдини олиш ва даволаш: дастур яширин (латент) силга чалинган одамларни профилактик даволашни, шунингдек, фаол сил касаллиги билан ogриган беморларни даволашнинг қулайлиги ва сифатини таъминлашни ўз ичига олади. Бу касаллиқнинг ogир шакллари ривожланишининг олдини олишга ва ўлимни камайтиришга ёрдам беради.

Таълим ва баҳардорлик: ахборот кампаниялари ва тренинг тадбирларини ўтказиш сил ва бошқа ўпка касалликлари ҳақида баҳардорлиқни оширади, тиббий ёрдамга эрта мурожаат қилиш ва профилактика чораларига риоя қилишга кўмак беради.

Дастурнинг муҳим қисми яшаш ва меҳнат шароитларини, жумладан, бино ичидаги вентиляцияни яхшилаш, ҳаво ифлосланишини камайтириш, иммунитетни мустаҳкамлаш ва овқатланиш сифатини оширишга қaratилган.

Бу чора-тадбирлар сил ва ўпка касалликларида чалиниш ва ўлим даражасини пасайтириш, ўз навбатида, Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлигини оширишга хизмат қилмоқда.

“Янги Ўзбекистон” мухбири  
Рисолат МАДИЕВА  
сўхбатлашди.

## Замон билан ҳамнафас



## ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ ЎЗГАРТИРА ОЛАДИГАН РЕАЛ ИМКОНияТДИР

Янги махсулот, янги технологияларга асосланган ва илгари амалиётга татбиқ этилмаган ноёб гоёни илгари суриш, яратиш, махсулотга айлантириш, уни янада кенгайтириш, бозорга олиб кириш ўз-ўзидан бўлмайди. Тўлиқ бизнесга айлантириш учун сармоёга мутож бўлган бу вақтинчалик тузилма стартап дейилади. Бутун мазкур атама нафақат ахборот технологиялари, балки ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасида қўлланилмоқда. Соғлиқни сақлаш, таълим, телекоммуникация, медиа лойиҳалар, молиявий хизматлар ва қатор бошқа йўналишларда амалга оширилаётган стартап лойиҳалар аллақачон ўз самарасини бераётир.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнес қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида ёшларнинг инновацион фаолият, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, уларнинг илм-фан, таълим ва инновация билан шугулланишлари учун шароитлар яратиш вазифаси келтирилган.

Юртимизда ёшлар томонидан берилётган ҳар қандай гоё ва салоҳиятли янгиллик эътибордан четда эмас. Уларнинг иқтисодийётимиз учун наф келтирадиган ишланмалари қўллаб-қувватлаб келинаётир. Бунинг учун Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузурида бир



Аммо ёшлар ўртасида стартап маданиятини шакллантириш, янги ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш борасидаги ишларда оқсашлар борлигини инкор эта олмаймиз.

мақсадида Илмий-техник ахборот маркази томонидан ўтказилган “Innovate & Launch: Startup Workshop” форуми стартап экотизмини қўллаб-қувватлаш, ривожлантиришга қaratилиб, инновациялар соҳасида интилувчан ёшлар, тадбиркорлар, инвестор ва экспертлар ўртасида тажриба ҳамда билим алмашиш учун майдонга айланди.

Янгилк яратиш ва уни амалиётга киритиш истидадаги ёшларга стартапларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш борасида зарур билим ва кўникма берилди. Янги гоёларни излаш, стратегик режалаштириш, сармоё жалб қилиш ва халқаро бозорларга чиқиш каби мавзуларда сўз юритилди. — Ёшлар томонидан тахририятимизга “Стартап ўзи нима, қандай молиялаштирилиши керак, уни қандай йўлга қўйиш мумкинлиги ҳақида қўллаб-қувватлар келади, — дейди “Иноватор” журнали бош муҳаррири Севара Абдуллаева. — Кўпчиликда гоё бор, лекин уни амалга ошириш учун етарли кўникма ва тажриба йўқ. Бу соҳада мукамал билимга эга мутахассислар кам. Ёшларга янги гоё ва лойиҳаларини йўлга қўйишга кўмаклашиш мақсадида соҳада маълум бир ютуқларга эришган малакали мутахассислар тақлиф этдик. Учрашувда стартапни йўлга қўйиш, молиялаштириш учун расмий ҳужжат

тайёрлаш тартиби, ўз гоёсини юзага чиқаришда зарур бўладиган кўникмалар, стартапларни молиявий рағбатлантирадиган янги ташкилотлар, компаниялар ҳақида маълумот берилди. Кичик бизнес стартаплари кўпинча катта инвестиция талаб қилмайдиган кичик компания ва жамоалардан иборат бўлади. Сотиб олинadиган стартаплар эса дастурий таъминот ва технологиялар соҳасидаги лойиҳалардир.

Ривожланиш bosқичлари қаердан бошланади? Гоё йўлаб топиш ва концепция ишлаб чиқилган пайтдан бошлаб, асосчи аллақачон дастлабки bosқичда бўлади. Кейингиларига ўттиш одатда лойиҳанинг аниқ ютуқлари билан белгиланади.

— Бизнес гоёсини ишга тушириш инвестиция талаб қиладди. Шу боис, венчур фондлари, ривожланишининг дастлабки bosқичида лойиҳани молиявий қўллаб-қувватлайдиган хусусий тадбиркор ёки бошқарув тажрибасига эга инвесторларга мурожаат қилинади. Стартап ўзининг биринчи даромадининг бир неча йил ичидида кўриши мумкин, чунки янги махсулотни яратиш, бозорга чиқариш ва уни кенгайтириш вақт талаб этади, — дейди Тошкент давлат аграр университети талабаси Мадина Босимова. — Мен учрашув давомида ана шу мураккаб жараён ва жозибали натижага эришиш йўллари ҳақида зарур билимни олдим.

Ёшларнинг тахлилий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, уларни илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятга кенг жалб этиш, иқтидорли, ташаббускор йилит-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини намён қилиши учун зарур шароит яратиш, стартап лойиҳаларини ривожлантириш ва уларни амалга ошириш учун ягона майдон ташкил этиш мамлакат инновацион салоҳиятини ошириши баробарида замонавий талабларга жавоб берадиган малакали кадрларни тайёрлаши билан ҳам аҳамиятлидир.

Рисолат ХАЙТҚУЛОВА,  
журналист

